

Намозни жам қилиб ўқиш | Фикҳ дарслари (250-дарс)



18:39 / 06.10.2023 4167

Бунда пешин ва аср ҳамда шом ва хуфтон намозларини қўшиб, биринкетин, бир вақтда ўқиш кўзда тутилгандир. Бошқа мазҳабларда сафардаги одамга пешин билан асрни ва шом билан хуфтонни жамлаб ўқишига рухсат берилади. Уларнинг айтишларича, пешиннинг вақтида асрни қўшиб ўқиб олса ёки шомнинг вақтида хуфтонни ўқиб олса бўлади. Буни «жамъи тақдим» дейилади.

Шунингдек, аср ва хуфтоннинг вақтида уларга пешин ва шомни қўшиб ўқиса ҳам бўлади. Буни «жамъи таъхир» дейдилар.

Аммо ҳанафий мазҳабида бунга рухсат йўқ. Уларда қуйидаги далилга биноан бошқача иш тўтилади:

هَلْ لَأِيضَرِ سَابَعِ نَبَا نَع
يَلَّصُ لُؤْسَرَاكَ نَأَقِ أُمُّه نَع
عُمَجِي مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلْ لَأ
رُصَعُ لَأَوِرُهُ ظَلَاةَ لَصَنِيبِ
يُرِي سِرُهُ ظَيَلَعِ نَأَكِ إِذَا
بِرَعْمَلَا نِيْبُ عُمَجِي وَ
يِرَاخُ بَلَا هَأَوِرِ عَأْشَعُ لَأَوِ
يِبَّنْ لَأ نَأَكِ هُظْفَلَوُ مَلَسُ مَوِ
إِذَا مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلْ لَأ يَلَّصُ
رُخْوِي رَفَّسَلَا هَيْلَعِ لَجَعِ
رُصَعُ لَأ تَقْوَلْ وَأَيَلَا رُهُ ظَلَا
رُخْوِي وَ، أُمُّه نِيْبُ عُمَجِي فِ
أَهْنِيْبُ عُمَجِي يَّتَحِ بِرَعْمَلَا

ءاشغۇلانى بۆ

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам сафар устида бўлсалар, пешин ва аср ҳамда шом ва хуфтон намозларини жам қилар эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган. Муслимнинг лафзида:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон сафарда шошилиб турсалар, пешинни аср вақтигача кечиктириб, сўнгра иккисини жам қилиб ўқир эдилар. Шунингдек, шомни кечиктириб, у билан хуфтонни жам қилиб ўқир эдилар», дейилган.

Ушбу ҳадиси шарифдан кўриниб турибдики, намозни жам қилиш сафарда шошилиб тургандагина бўлган.

Шунингдек, пешинни охири вақтида ўқиб, уни ўқиб бўлиши билан вақти кирган асрни ҳам ўқиб олинган.

Шунингдек, шом ҳам охири вақтига бориб ўқилиб, ундан кейин хуфтонни энг аввалги вақтида ўқилган.

Намозларни бундай қилиб ўқишни ҳанафий мазҳаби уламолари «жамъи суврий», яъни «суратдаги жам» дейдилар.

Бунга биноан, пешин ва шом намозлари охири, аср ва хуфтон намозлари олдинги вақтда ўқилган бўлади. Чунки пешиннинг вақти чиқиши билан асрнинг, шомнинг вақти чиқиши билан хуфтоннинг вақти киради.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.